



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 12 » май

№ПК-157

Табиий газ ва суюқ углеводородни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Табиий газ ҳажмлари ҳамда суюқ углеводород миқдорининг аниқ ҳисобини юритиш, нефть-газ тармоғида ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштириш, газ таъминоти соҳасини рақамлаштириш, истеъмолчиларга энергия ресурсларини узлуксиз етказиб бериш ҳамда Давлат бюджетига тушумларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлигининг табиий газ ҳажмининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида барча табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарига онлайн электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш, уларни солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали ягона автоматлаштирилган табиий газ ҳаракати тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

Замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиладиган табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарининг жамланма рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Хроматографлар ўрнатиладиган табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарининг рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Республика ҳудудида қўшимча қуриладиган газ ўлчаш станциялари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Табиий газни қазиб олишдан якуний истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш орқали унинг аниқ ҳисобини юритиш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан табиий газни қувурлар орқали ташиш (транзит) хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарига давлат реестрига киритилган **хроматограф** ҳамда **электрон ҳисоблагичлар** ўрнатилиши ва солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши мажбурий этиб белгилансин.

Тижорат ўлчов узелларига ўрнатилган электрон ҳисоблагичларни солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилмаган табиий газ ва суюқ углеводородни қазиб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227¹-моддасида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Солиқ қўмитаси 2023 йил 1 июлга қадар табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид зарур маълумотларни киритиш учун ахборот тизимини жорий этсин. Бунда, мазкур шартномаларга оид конфиденциал маълумотларни Солиқ қўмитасининг махсус ҳимояланган ахборот тизимига киритиш имконияти яратилсин.

Мазкур бандда назарда тутилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш, унга техник хизмат кўрсатиш, сақлаш ва такомиллаштиришнинг молиялаштириш манбаи этиб **Солиқ қўмитасининг махсус жамғармаси** белгилансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) табиий газ ва суюқ углеводород реализациясини амалга оширувчи ҳамда уларни харид қилувчи корхоналар томонидан табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид зарур маълумотлар Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритиб борилади.

Бунда, табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномалар бўйича ахборот тизимига солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган маълумотлар, шу жумладан шартнома тури, рақами, санаси, товар тури (маркаси), миқдори ва нархи, ўлчов бирлиги, ҳисоб-китоб шакли ва бажариш муддатларини ўз ичига олган маълумотлар киритилади;

б) табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномалар юзасидан **электрон ҳисобварақ-фактуралар** мазкур шартномалар бўйича Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида шакллантирилади.

6. Энергетика вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда **2024 йил 1 январга қадар** “Ўзбекнефтогаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, “Ўдудгазтаъминот” АЖ, маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчилари ҳамда қўшма ва хорижий корхоналар томонидан табиий газ ҳажмлари бўйича ҳисоб-китоблар Энергетика вазирлиги томонидан яратиладиган **ягона автоматлаштирилган табиий газ ҳаракати тизимида** юритилишини таъминласин, шунингдек, **электрон ҳисобварақ-фактуралар** ушбу тизим маълумотлари асосида автоматик равишда расмийлаштирилиб, табиий газни қабул қилувчи ташкилотларга юборилишини йўлга қўйсин.

7. Энергетика вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июлга қадар** барча босқичларда технологик йўқотишлар ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган табиий газ ҳажми меъёрини белгиловчи нормативларни қайта кўриб чиқиб, амалиётга жорий этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиладиган табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарининг
жамланма рўйхати

млн сўмда

Т/р	Корхона номи	Ўрнатилиши лозим бўлган ҳисоблагичлар сони (дона)	Зарур маблағ	шундан	
				харид қилишга	ўрнатишга
Жами		20	4 186	148 911	9 259
I.	"Ўзбекнефтгаз" АЖ	17	3 842	1 921	1 921,00
II.	"Ўзтрансгаз" АЖ	3	344	339	5,09
III.	"Ҳудудгазтаъминот" АЖ	129 550	153 983	146 651	7 333
3.1.	Улгуржи истеъмолчилар	0	0	0	0
3.2.	Аҳоли	129 550	153 983	146 651	7 333

Изоҳ: электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш муддати - 2023 йил 1 июлга қадар.

**Хроматографлар ўрнатиладиган табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарининг
рўйхати**

млн сўмда

Т/р	Бошқарма номи	Хроматограф ўрнатилганлик ҳолати		Зарур маблағлар
		мавжуд	ўрнатиш зарур	
Жами		4	35	59 325
1-босқич (2023 йил 1 октябрга қадар)				
I.	"Ўзбекнефтегаз" АЖ	4	11	18 645
1.1.	Шўртан НГҚЧБ	0	5	8 475
1.2.	Муборак ГҚИЗ	1	0	0
1.3.	Газли НГҚЧБ	1	2	3 390
1.4.	Устюрт ГҚЧБ	1	3	5 085
1.5.	Шўртан ГКМ	1	0	0
1.6.	Муборак НГҚЧБ	0	1	1 695
2-босқич (2023 йил 1 декабрга қадар)				
II.	"Ўзтрансгаз" АЖ	0	24	40 680
2.1.	"114 км" газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695
2.2.	ТЗУ 614 км МГ САЦ	0	1	1 695
2.3.	"190 км" кран узели МГ Шўртан-Шеробод	0	1	1 695
2.4.	"5 км" газ ўлчаш станцияси МГ Муборак-Когон	0	1	1 695
2.5.	"50" км газ ўлчаш станцияси МГ Муборак-Зирабулоқ 1200	0	4	6 780
2.6.	"Когон-Газли-1" газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695
2.7.	"Когон-Газли-2" газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695
2.8.	"Бухоро-1" (ХБК) газ тақсимлаш станцияси	0	1	1 695
2.9.	"287 км" газ ўлчаш станцияси МГ Газли-Чимкент	0	1	1 695
2.10.	"116 км" газ ўлчаш станцияси МГ ДБСТ	0	1	1 695
2.11.	"209 км" газ ўлчаш станцияси МГ БГР-ТБА	0	1	1 695
2.12.	"Косон" газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695
2.13.	"526 км" газ ўлчаш станцияси МГ БГР-ТФАА (Таш ГРЭС 2-навбат)	0	1	1 695
2.14.	"Ширин" (Бекобод) газ тақсимлаш станцияси	0	1	1 695
2.15.	"493 км" газ ўлчаш станцияси МГ ДБСТ	0	1	1 695
2.16.	"МГ Янгиер-Тошкент" газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695
2.17.	"17 км" газ ўлчаш станцияси МГ Янгиер-Оҳангарон	0	1	1 695
2.18.	Оҳангарон КС	0	1	1 695
2.19.	Хўжаобод газни ер остида сақлаш иншооти	0	1	1 695
2.20.	Акчалак КСда режалаштирилган газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695
2.21.	Қорақалпоғистон КСда режалаштирилган газ ўлчаш станцияси	0	1	1 695

Республика ҳудудида қўшимча қуриладиган
газ ўлчаш станциялари
рўйхати

Т/р	Объект номи
1.	"Дарялик" газ ўлчаш станцияси
2.	"Бейнеу" газ ўлчаш станцияси

Изоҳлар:

- 1) газ ўлчаш станцияларини қуриш учун масъуллар: Энергетика вазирлиги, "UzGasTrade" АЖ ҳамда "Ўзтрансгаз" АЖ;
- 2) газ ўлчаш станцияларини қуриш муддати: 2024 йил 1 октябрга қадар;
- 3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси захирасидаги бўш турган ер майдонини газ ўлчаш станциясини қуриш учун "Ўзтрансгаз" АЖга қонунчиликда белгиланган тартибда ажратишга масъул ҳисобланади;
- 4) Рақамли технологиялар вазирлиги 2024 йил 1 октябрга қадар газ ўлчаш станциялари қуриладиган ҳудудларнинг интернет алоқаси билан таъминланишига масъул ҳисобланади;
- 5) газ ўлчаш станцияларини лойиҳалаштириш, қуриш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш аниқ ҳисоб-китоблар асосида "UzGasTrade" АЖ ҳамда "Ўзтрансгаз" АЖлар томонидан 2023 йил 1 июнга қадар 150 млрд сўм миқдоридаги ўз маблағларини ажратиш ҳисобига амалга оширилади.

Табиий газни қазиб олишдан якуний истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни
тўлиқ автоматлаштириш орқали унинг аниқ ҳисобини юритиш бўйича
“йўл харитаси”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида				
1.	Газни қазиб олувчи корхоналардан қайта ишловчи корхоналарга табиий газни кирим қилишда унинг барча кириш нуқталарига электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда уларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	1. Қайта ишловчи корхоналарда табиий газни кириш нуқталарига ўрнатилган барча ҳисоблагичларни хатловдан ўтказиш. 2. Электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмаган нуқталарга замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш. 3. Мавжуд ва янги ўрнатилган барча электрон ҳисоблагичларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилиш. 4. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	2023 йил 1 июнь 2023 йил 1 октябрь 2023 йил 1 ноябрь Лойиҳа доирасида	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), “Ўзбекнефтегаз” АЖ (Сидиқов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
2.	Табиий газни магистрал газ тизимига узатиш нуқталарига хроматографлар ўрнатиш.	1. Магистрал қувурлар орқали табиий газни қабул қилиш ва узатиш нуқталарига ўрнатилган хроматографлардаги маълумотларнинг тажриба-синов тарзида электрон ҳисоблагичларга автоматик равишда узатилишини таъминлаш. 2. Тажриба-синов тадбирлари натижаларига кўра хроматографлардан электрон ҳисоблагичларга узатилган маълумотлар бўйича манфаатдор томонларнинг хулосасини олиш. 3. Олинган хулосалар асосида хроматографларни харид қилиш бўйича тендер ўтказиш. 4. Тендер натижалари бўйича шартномалар тузиш. 5. Магистрал газ қувурларида тижорат ўлчов узелларига 35 та хроматограф ўрнатилишини таъминлаш. 6. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	2023 йил 1 июнь 2023 йил 15 июнь 2023 йил 1 июль 2023 йил 1 сентябрь 2024 йил 1 январь Лойиҳа доирасида	“Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов) “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	Табиий газ тақсимотига оид далолатнома маълумотларини Солиқ қўмитасининг табиий газ ҳисобини юритиш ахборот тизимига ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар киритиш тартибини жорий қилиш.	1. Тизимда мавжуд далолатнома маълумотларини Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш. 2. Йўриқнома асосида далолатнома маълумотларининг ахборот тизимига автоматик равишда киритилишини таъминлаш.	2023 йил 1 июнь Доимий	“Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), Солиқ қўмитаси (Мирзаев)
4.	Табиий газни қазиб олишдан етказиб беришгача бўлган барча жараёнларда ҳисобга олиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш. 2. Илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Табиий газни ҳисобга олиш тартиби, ўз эҳтиёжларига ишлатиш ва технологик йўқотишлар меъёрларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	2023 йил 1 июнь 2023 йил 15 июнь 2024 йил 1 январь	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Солиқ қўмитаси (Мирзаев), Ўзэнергоинспекция (Агзамов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Самтаров), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
II. Ташиш соҳасида				
5.	Улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига замонавий электрон ҳисоблагичларни босқичма-босқич ўрнатиш ҳамда табиий газ етказиб бериш нуқталарига ўрнатилган “AutoPilot” ва “AutoPilot Pro” электрон ҳисоблагичларнинг техник ва функционал талабларга жавоб бериши ёки бермаслиги тўғрисида хулоса бериш.	1. Газ қувурларида ўрнатилган электрон газ ҳисоблаш ускуналари сонини аниқлаш. 2. Газ ҳисоблагичларини алмаштириш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Замонавий ва дастурий таъминотида камчиликлар мавжуд бўлмаган электрон ҳисоблагичларни харид қилиш бўйича ўрнатилган тартибда тендер ўтказиш ва ҳисоблагичларни харид қилиш. 4. Замонавий ва дастурий таъминотида камчиликлар мавжуд бўлмаган электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш ва солиқ органларининг ахборот тизими билан интеграция қилиш. Бунда, электрон ҳисоблагичлар дастурий таъминотига ўзгартириш киритишга Солиқ қўмитасини огоҳлантирилган ҳолда рухсат этилади. 5. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	2023 йил 1 июль 2023 йил 1 август 2023 йил 1 октябрь 2024 йил 1 январь Лойиҳа доирасида	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), “UzGasTrade” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмурадов), “Киберхавфсизлик маркази” ДУК (Мирзаев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Самтаров), Ўзэнергоинспекция (Агзамов), Солиқ қўмитаси (Мирзаев)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	“Ўзтрансгаз” АЖ магистрал газ қувурларининг газ оқимлари аралашадиган жойлари ҳамда таркибий бўлинма ёки ташкилотлар ўртасидаги табиий газни қабул қилиш, узатиш, транзит нуқталарига оқимли хроматографларни ўрнатиш.	1. Хроматографлар ўрнатилиши лозим бўлган газ қувурларидаги табиий газни қабул қилиш, узатиш ва транзит нуқталарини аниқлаш. 2. Хроматографларни харид қилиш бўйича тендер ўтказиш. 3. Корхоналарнинг ўз маблағларидан оқим хроматографларни харид қилиш учун зарур маблағ ажратилишини таъминлаш. 4. Тендер натижалари бўйича шартномалар тузиш. 5. Ўрнатилиши лозим бўлган хроматографлар харидини амалга ошириш ва ўрнатиш.	2023 йил 1 июль 2023 йил 1 август 2023 йил 15 август 2023 йил 1 сентябрь 2024 йил 1 январь	“Ўзтрансгаз” АЖ
7.	“Дарялик” ва “Бейнеу” газ ўлчаш станцияларида магистрал газ узатиш тизимига кириш (чиқиш) нуқталарига электрон ҳисоблагичлар ва хроматограф ўрнатиш ҳамда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.	1. Қўшни давлатлар ҳудудида жойлашган “Дарялик” ва “Бейнеу” газ тақсимлаш тармоқларини ўрнига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида магистрал газ қувурларида янги газ тақсимлаш тармоқларини қуришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. 2. Газ ўлчаш станцияларини қуриш бўйича техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқиш.	2023 йил 1 июль 2023 йил 1 август	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзтрансгаз” АЖ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Газ ўлчаш станцияларини қуриш ва жиҳозлаш учун танлов (тендер) савдоларини ўтказиш. 4. Газ ўлчаш станцияларини қуришда қўшни давлатларнинг табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган операторлари билан “Ўзтрансгаз” АЖ ўртасида ҳамкорликни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш. Бунда, газ ўлчаш станцияларини қуришда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилиши назарда тутилади. 5. Буюртмалари бўйича газ ўлчаш станциясини қуриш учун қурилма ва жиҳозлар, техника, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари, ускуналар ва бошқа товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ва транзит мамлакатлар орқали ташиш ва қайтариб олиб келишда, заруратга кўра, чартер ҳаво юк ташувини ташкил этиш.	2023 йил 15 август 2023 йил 1 июнь Лойиҳа доирасида Лойиҳа доирасида	Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов), “Ўзтрансгаз” АЖ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Ҳасилов), “Uzbekistan Airways” АЖ (Худайкулов), “Ўзтрансгаз” АЖ

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
		6. Газ ўлчаш станциялари кириш (чиқиш) нуқталарида электрон ҳисоблагичлар ва хроматограф ўрнатиш ва ишга тушириш. 7. Газ ўлчаш станцияларида ўрнатилган электрон ҳисоблагичларни Солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. 8. Газ ўлчаш станциялари қуриладиган ҳудудни интернет алоқаси билан таъминлаш. 9. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	2024 йил 1 январь 2024 йил 1 февраль 2023 йил 1 сентябрь Лойиҳа доирасида	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), “Ўзтрансгаз” АЖ, Солиқ қўмитаси (Мирзаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)
8.	Электрон ҳисоблагичларга ўрнатилган алоқа узатиш қурилмаларини алмаштириш ва маълумотлар тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш.	1. Алоқа узатиш имкониятига эга бўлмаган қурилмаларни хатловдан ўтказиш. 2. Алоқа узатиш қурилмаларини замонавий қурилмаларга алмаштириш. 3. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	2023 йил 1 июль 2023 йил 1 октябрь Лойиҳа доирасида	“Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмурадов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
III. Реализация қилиш соҳасида				
9.	Газ ҳисобини юритиш учун фойдаланиладиган норматив ҳужжатларни (қарор, буйруқ, низом, тартиб, йўриқнома, стандартлар) қайта кўриб чиқиш.	Газ ҳисобини юритиш учун фойдаланиладиган норматив ҳужжатларни (қарор, буйруқ, низом, тартиб, йўриқнома, стандартлар) қайта кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузиш ҳамда таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил 1 июнь	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), “Ўзтрансгаз” АЖ, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров), Солиқ қўмитаси (Мирзаев)
10.	“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг улгуржи истеъмолчилар табиий газ сарфи ҳисобини юритиш бўйича жорий этилган “АСКУГ Юр” корпоратив ахборот тизимида электрон ҳисоблагичлардан кунлик маълумотлар онлайн тарзда келиб тушишини таъминлаш. “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг “АСКУГ Юр” корпоратив ахборот тизимини солиқ органларининг ахборот тизимида тўлиқ интеграция қилиш.	1. “АСКУГ Юр” тизимида кунлик маълумотлар келиб тушишини таъминлаш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқиш ва келишиш. 2. Тасдиқланган техник ечим асосида “АСКУГ Юр” тизимида ГТСлардаги газ ҳисоблагичлардан кунлик маълумотлар узатиш. 3. “АСКУГ Юр” тизимидан Солиқ қўмитаси тизимида маълумотларни узатиш бўйича биргаликда техник ечимлар ишлаб чиқиш ва келишиш.	2023 йил 15 июль 2023 йил 1 октябрь 2023 йил 1 август 2023 йил	“Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов) “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), Солиқ қўмитаси (Мирзаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	“UzGasTrade” АЖ – “Ўзгасгазтаъминот” АЖнинг “АСКУГ Юр” корпоратив ахборот тизимининг “UzGasTrade” АЖ фаолиятига жорий этилишини таъминлаш ҳамда солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилиш.	4. Техник ечимлар асосида маълумотлар узатишни синовдан ўтказиш. 5. Техник ечим асосида “АСКУГ Юр” тизимидан кунлик маълумотларни Солиқ қўмитасига узатиш. 6. “Ўзгасгазтаъминот” АЖнинг “АСКУГ Юр” корпоратив ахборот тизими маълумотларини (шартнома, лимит, лимитдан ошиқча фойдаланиш, пул тўловлари, дебитор-кредитор қарздорлик, йўқотишлар ва бошқалар) солиқ органларининг ахборот тизимига тўлиқ интеграция қилиш.	1 сентябрь 2023 йил 1 октябрь 2023 йил 1 сентябрь	“UzGasTrade” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Солиқ қўмитаси (<i>Мирзаев</i>)
11.	Барча босқичларда технологик йўқотишлар ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган табиий газ ҳажми меъёрини белгиловчи нормативларни халқаро талаблар асосида қайта кўриб чиқиб, амалиётга жорий этиш. Бунда, мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳни тузган ҳолда халқаро талаблар жорий этилган энг илғор давлатлар тажрибаси ўрганиш.	1. Табиий газни қазиб олишдан охириги истеъмолчига реализация қилишгача бўлган барча босқичларда табиий газ ҳажми меъёрини белгиловчи нормативларни халқаро талаблар асосида қайта кўриб чиқиб, амалиётга жорий қилиш. 2. Ишчи гуруҳ аъзоларини бундай нормативларни ўрганиб чиқиш учун ривожланган хорижий давлатларга хизмат сафарига юбориш.	2023 йил 1 октябрь 2023 йил 1 июнь	Энергетика вазирлиги (<i>Мирзамаҳмудов</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Кудбиев</i>), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (<i>Саттаров</i>)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
12.	Табиий газ ва суюқ углеводород реализациясини амалга оширувчи ҳамда уларни харид қилувчи корхоналар томонидан табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид маълумотларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритиш тартибини ишлаб чиқиш.	1. Табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид маълумотларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритиш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Мазкур тартибни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил 15 июль	Солиқ қўмитаси (Мирзаев), “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), “UzGasTrade” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ
IV. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар ҳамда қўшма ва хорижий корхоналар бўйича				
13.	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида фаолият юритувчи субъектлар, қўшма ва хорижий корхоналар томонидан табиий газни қайта ишлашга узатиш ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖга тўғридан-тўғри узатиш нуқталарига электрон ҳисоблагичлар ҳамда оқим хроматографларни ўрнатиш ва Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилиш. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида фаолият юритувчи корхоналарда келгусидаги шартномалар (комиссион ҳақ эвазига реализация қилиш, ташиш, етказиб бериш, қайта ишлаш) доирасида барча босқичларда технологик йўқотишлар ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган табиий газ ҳажми меъёрини белгиловчи норматив	1. Тижорат ўлчов узелларида (кириш ва чиқиш нуқталари) ўрнатилган электрон ҳисоблагичларни хатловдан ўтказиш. 2. Экспорт, импорт ва транзит ўлчов узелларига хроматограф ўрнатиш нуқталарини белгилаб, техник шартлар ишлаб чиқиш. 3. Оқим хроматографлар харид қилиш ва ишга тушириш. 4. Барча электрон ҳисоблагичларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилиш. 5. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида фаолият юритувчи корхоналарда амалдаги шартномалар доирасида технологик йўқотишлар ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган табиий	2023 йил 1 июль 2023 йил 1 июль 2024 йил 1 январь 2024 йил 1 январь 2023 йил 1 сентябрь	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), “UzGasTrade” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), Солиқ қўмитаси (Мирзаев)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	хужжатларни инвесторлар билан биргаликда мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқиш.	газ ҳажми меъёрини белгиловчи норматив хужжатларни инвесторлар билан бирга мувофиқлаштириб, қайта ишлаб чиқиш. 6. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	Лойиҳа доирасида	
14.	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар ва уларнинг иловаларини келгусида замон талабига мос равишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, шунингдек, инвесторлар билан ҳамкорликда қайта ишлаб чиқиш.	1. Бошқарув қўмитаси аъзолари томонидан ишлаб чиқилган норматив хужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш. 2. Илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда норматив хужжатларини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Мавжуд норматив хужжатларга такомиллаштириш бўйича ўзгартириш ва қўшимчаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, инвесторлар билан келишган ҳолда киритиш.	2024 йил 1 май 2024 йил 1 июль 2024 йил 1 август	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кудбиев)
15.	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида фаолият юритувчи корхоналар томонидан тақдим қилинадиган молиявий ҳамда солиқ ҳисоботлари шакллари қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш.	1. Маҳсулот тақсимотига оид битим тарафлари билан битим доирасида фаолият юритувчи корхоналар томонидан тақдим қилинадиган молиявий ҳамда солиқ ҳисоботлари шакллари қайта кўриб чиқиш бўйича музокаралар ўтказиш.	2024 йил 1 сентябрь	Солиқ қўмитаси (Мирзаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		2. Молиявий ҳамда солиқ ҳисоботлари шаклларига ўзгартириш киритиш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	2024 йил 1 ноябрь	Солиқ қўмитаси (Мирзаев), Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов)
VI. Рақамлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирлар				
16.	Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш жараёнидаги ҳар хил авария ҳолатларини аниқлаш ва тезкорлик билан уларнинг олдини олиш бўйича онлайн режимда ҳаракатланувчи “SCADA” тизимини жорий қилиш.	1. Лойиҳани амалга оширишда жаҳон тажрибасини ўрганиш бўйича тармоқлараро ишчи гуруҳни тузиш (Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзтрансгаз” АЖ). 2. Жаҳон тажрибаси билан танишиш. 3. Лойиҳани амалга ошириш бўйича концепция ишлаб чиқиш ва уни тармоқлараро ишчи гуруҳ томонидан тасдиқлаш. 4. Концепцияга биноан лойиҳани амалга ошириш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш ва уни экспертизадан ўтказиб, хулоса олиш. 5. Техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш бўйича пудратчи танлаш. 6. Ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосни амалиётга жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги	2023 йил 1 июнь 2023 йил 1 июль 2023 йил 1 сентябрь 2023 йил 1 декабрь 2024 йил 1 январь 2024 йил 1 март	Энергетика вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кудбиев), “Ўзтрансгаз” АЖ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. 7. Мазкур тадбирларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.	Лойиҳа доирасида	
17.	“Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, қўшма ва хорижий корхоналарда электрон ҳисоблагичларга маълумотларни автоматик равишда тақдим этиш ва далолатномаларни электрон тарзда шакллантиришни таъминлаш.	Мазкур корхоналарда электрон ҳисоблагичларга маълумотларни автоматик равишда тақдим этиш ва далолатномаларни электрон тарзда шакллантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш.	2023 йил 1 октябрь	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ
18.	Қоидабузарлик ҳолатлари, шу жумладан табиий газдан фойдаланиш қоидаларини мунтазам равишда қасддан бузган истеъмолчиларнинг ягона электрон реестрини жорий этиш бўйича ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. Бунда, мазкур реестр Энергетика вазирлиги томонидан юритилиши ҳамда унга киритилган маълумотлардан манфаатдор вазирлик ва идоралар хавфларни баҳолаш мезони сифатида фойдаланиши назарда тутилади.	1. Мазкур реестр ва тартибни жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш. 2. Жаҳон тажрибаси билан танишиш. 3. Тайёрланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил 1 август	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), “UzGasTrade” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмурадов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги тўғрисида маълумот тақдим этган жисмоний шахсларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш.			
19.	Электрон ҳисоблагичлар жойлашган ҳудудларни сифатли интернет алоқаси билан ҳамда алоқа қурилмаларидан маълумотларнинг ягона автоматлаштирилган табиий газ ҳаракати тизимига тўлиқ ва ўз вақтида келишини таъминлаш.	1. Электрон ҳисоблагичлар жойлашган ҳудудларни интернет алоқаси билан таъминлаш. 2. Алоқа қурилмаларидан маълумотларнинг ягона автоматлаштирилган табиий газ ҳаракати тизимига келишини йўлга қўйиш.	2023 йил 1 июль	Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмурадов)
20.	Ҳисоб палатаси томонидан мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси устидан доимий назоратни ўрнатиш.	1. Табиий газни қазиб чиқарувчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи корхоналарга мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси устидан назоратни олиб бориш учун Ҳисоб палатасининг 2 та ходимини бириктириш. 2. Ҳисоб палатаси томонидан мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини таҳлил қилиб бориш ва ўз ваколатлари доирасида назорат функцияларини бажариш.	Бир кун муддатда Доимий	Ҳисоб палатаси (Турабов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Сидиқов), “Ўзтрансгаз” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмурадов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Назорат олиб бориш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш.	2023 йил яқунига қадар ҳар ойда	

